

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

## РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЖАДАП РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ- ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН Тўпақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 2017 йилга нисбатан 2019 йилда 2 бараварга кўпайишига, йилига 10 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ва 2,5 миллион тонна гўшт етиштиришга эришилди.

Шу билан бирга, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро стандартлар ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар орасида ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорларни очишда тўсқинлик қилмоқда.

Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин: мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратиш;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, худудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари – янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш;

озиқ-овқат саноатининг ривожланишига хусусий ва тўғридан-тўғри чет инвестициялар оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли тақлифларни ишлаб чиқиш;

замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш чораларини кўриш.

2. Мазкур қарорга асосан юклатилаётган қўшимча вазифаларни самарали амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси негизида бошқарув ходимларининг чекланган сони 12 та штат бирлигидан иборат Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил этилсин;

вазир ўринбосари - Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий қилинсин.

Бунда, Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасининг 8 та штат бирлиги қўшимча штат бирликларини киритиш ҳисобига шакллантирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 20 миллиард сўм миқдордаги маблағларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)га ўтказиб бериш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини сарфлашнинг қўшимча йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этиладиган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этиладиган истиқболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тартиби бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХКнинг:

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХКни тугатиш;

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК Озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармасининг тугатиш яқунларига кўра қолдиқ маблағларини Жамғармага ўтказиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

6. “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХКни тугатиш комиссияси 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Молия вазирлиги сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини ташкил этиш учун Ҳукумат кафолати остида жалб этилган халқаро молия институтлари ва хорижий банклар олдидаги тугатиладиган “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХКнинг қарз маблағларини график бўйича тўлаб борилишини таъминласин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда: озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари маблағларининг кенг жалб қилинишини;

халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини таъминласин.

(Давоми 2-бетда) ➡



2020 йил 11 сентябрь куни Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги ўн иккинчи сессияси ўтказилди. Тадбирни Кенгаш котибияти мудир Ч.Ортиқова олиб борди.

Белгиланган талаблар асосида кун тартиби тасдиқланиб, депутатлар сессияга киритилган масалалар муҳокамасига киришилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 29 августдаги 01-22/1388-сонли хатига асосан жорий йилнинг 7-11 сентябрь кунлари оралигида туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари, халқ таълими бўлими мудирлари ва тиббиёт бирлашмалари бош шифокорларининг мақталарни санитар талабларга мувофиқ бирламчи воситалар билан таъминлаш, дезинфекция ишларини ташкил этиш, янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолати юзасидан ахборотларини эшитиш, муҳокама қилиш ва мақталар фаолиятини тиклаш бўйича яқуний қарорларни қабул қилиш белгиланган.

Шунга кўра, бугунги пандемия шароитида энг долзарб масалага айланган тумандаги умумий ўрта таълим мақталарида коронавирус пандемияси шароитида 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тартиблари ва таълим муассасаларида санитария талабларининг бажарилиши тўғрисида туман халқ таълими бўлими мудир С.Ортиқованинг, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи в.б. А.Қиличев ҳамда туман санитария-эпидемиология оқимининг ташкил этиш бўлими бош врач Б.Маркаевларнинг юқоридаги масала юзасидан ахборотлари эшитилди.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

Сессия кун тартибидаги биринчи масала юзасидан берилган маълумотларга кўра туман Халқ таълими бўлими тасарруфида жами 57 та умумтаълим мақталари мавжуд бўлиб, мақталарда пандемия шароитида ўқув жараёнларини бошлаш бўйича ота-оналардан сўровномалар ўтказилди. Сўровнома натижаларига кўра 27966 нафар ўқувчиларнинг ота-оналаридан 26733 нафари (96%) иштирок этди ва 21092 нафари аънавий ўқув жараёнини бошлашга 78,9 фоиз ижобий фикр билдирган бўлса, онлайн ўқишга 5641 нафари 21,1 фоизи ўқишни бошламаслик тарафдори эканлигини билдирган.

Бугунги кунда барча мақталар ўқитувчи ва раҳбарларига пандемия шароитида ўқишни хавфсиз ташкил этиш, иш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя этиши бўйича ўқув тушунтириш

ўқитувчилардан коронавирус инфекциясига тест таҳлили учун намуналар олиниб, вилоят вирусология лабораториясига топширилди.

Мазкур масала депутатлар томонидан чуқур муҳокама этилиб, тўпланган хулосаларга кўра, тумандаги 1, 2, 3, 4, 6, 12, 15, 16, 18, 20, 25, 28, 30, 31, 32, 38, 40, 41, 42, 43, 45, 51, 52, 54, 57-умумтаълим мақталарида ўқув йили машғулоти жорий йилнинг 14 сентябридан режа-график асосида бошланиши тавсия қилинди. 5, 7, 8, 9, 10, 11, 13, 14, 17, 19, 21, 22, 23, 24, 26, 27, 29, 33, 34, 35, 36, 37, 39, 44, 46, 47, 48, 49, 50, 53, 55, 56-умумтаълим мақталари ҳудудида пандемия шароитида санитар талаблари тўлиқ бажарилиб, эпидемия ҳолати яхшиланган мақталар қайта ўрганилиб, фаолиятини бошлашига рухсат берилган бўлди.

Кун тартибига киритилган иккинчи масала - фаолияти қоникарсиз деб баҳоланган “Лойиш” маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолияти ҳақида туман



машғулоти олиб борилди ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Санитария-гигиена қоидалари ва хоналарни санитария тозалашдан ўтказиш бўйича қўлланмалар тайёрланиб, мақталарга тарқатилди.

Ҳозирга қадар туман СЭО маркази томонидан тумандаги умумтаълим мақталарида фаолият юритаётган 92 фоиз

ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ю.Уроқова сўзга чиқди.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн иккинчи сессиясига қўйилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, сессия яқунланди.

Ўз мухбиримиз.

## ТУМАН ҲОКИМИНИНГ САЙЁР ҚАБУЛИ



Яқинда “Янгиобод” маҳалласида туман ҳокими Нажмиддин Сулаймоновнинг сайёр қабули ўтказилди.

Қабулда сектор ва ташкилот раҳбарлари ҳамда маҳалланинг 114 нафар фуқаролари иштирок этишди.

“Янгиобод” маҳалласида ўтказилган сайёр қабулда фуқаролар уй-жой таъмири, йўл, иш билан таъминланиш, электр ва табиий газ таъминоти, тиббий-ижтимоий ёрдам ва бошқа ўзларини қийнаётган масалалар бўйича муносабат қилишди.

Барча муносабатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими осон бўлган муносабатлар жойида ҳал этилди ва айрим муносабатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониктирилди. Муддат талаб этилувчи муносабатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

Тадбирдан сўнг туман ҳокими маҳалла ҳудудидаги 21-умумтаълим мақтабидаги янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари билан танишди ҳамда мавжуд камчиликларни бартафат этиш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

\*\*\*

Мамлакатимизда карантин қоидалари юмшатилган аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни жойида бевосита бартафат этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш мақсадида яқинда туман ҳокими Н.Сулаймонов ҳамда 2-сектор раҳбари, туман прокурори Д.Кўбаев бошчилигида 2-сектор ҳудудидаги “Даҳбед”, “Бозоржой”, “Навоий” ва “Пахтабод” маҳаллалари аҳолиси учун сайёр қабул ташкил этилди.

Қабулда сектор раҳбарлари ва бошқа тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирок этдилар. Қабул давомида 25 нафар фуқароларнинг уй-жой таъмири, йўл, иш билан таъминланиш каби муносабатлари кўриб чиқилди.

Барча муносабатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими осон бўлган муносабатлар жойида ҳал этилди ва айрим муносабатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониктирилди. Муддат талаб этилувчи муносабатлар эса ҳал этиш учун мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.



## СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ МАВСУМ ОЛДИДАН ТЕРИМЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Пахта йиғим-терими бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Шу муносабат билан туманимизда ҳам 2020 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, туман ҳокими Н.Сулаймонов жорий йилнинг 12 сентябрь куни 4-сектор ҳудудидаги “Гулистон” ҳамда “Самарқанд” ММТП ҳудудлари терим отряди раҳбарлари ва теримчилар билан учрашув ўтказди.

Туман раҳбари пандемия даврида теримчиларга пахта мавсумини байрамдек қутиб олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши бўйича туман мутасаддилари ва фермерларга тавсия ва топшириқлар берди.

\*\*\*

Пахта ҳосилини ёғин-сочин кунларга қолдирмасдан тез ва сифатли териб олиш теримчиларимизнинг куч-ғайратига ва албатта, уларга яратилган шарт-шароитларга боғлиқдир. Шу боис, айни кунларда туман ҳокими теримчилар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, уларнинг фикри, муаммоларини аниқлаш ва тезкор чоралар кўриш мақсадида жойларда теримчилар ва терим отряди раҳбарлари билан учрашувлар ўтказмоқда.

13 сентябрь куни 1-сектор раҳбари туман ҳокими Н.Сулаймонов 2-сектор раҳбари туман прокурори Д.Кўбаев билан биргаликда 1-сектор ҳудудидаги “Кумушкент”, “Қаҳрамон”, “Оқдарё” ММТПлари ҳамда 2-сектор ҳудудидаги “Даҳбед”, Н.Примкулов, Р.Ҳамроев номли ММТПларининг терим отрядлари теримчилари билан учрашувлар ўтказдилар.

Тадбирда теримчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан сектор раҳбарлари томонидан батафсил маълумотлар берилди.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

# РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТўЛАҚОНЛИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бета)

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида **2021/2022 ўқув йилидан** бошлаб республика олий таълим муассасаларининг **“5321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)”** ҳамда **“5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)”** таълим йўналишлари бўйича бакалавриятнинг кундузги ва сиртки таълим шаклларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўрсин.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:**  
**Бир ой мuddатда** тегишли таълим йўналишлари (мутахассисликлар)да соҳа бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг амалиётларини ўташ объектлари – иш берувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантирсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 декабр**га қадар озиқ-овқат технологиялари соҳасида замонавий техника ва технологияларни жорий этган етакчи корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан талабаларнинг амалиётларини ўташ

юзасидан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ў.Барноев: **бир ҳафта мuddатда** қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари – Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали номзод бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияга таклиф киритсин;

**Бир ой мuddатда** худудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича туманларнинг диверсификациялашини таъминласин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев):

**Бир ой мuddатда** Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**Бир ой мuddатда** Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасини танлов асосида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга замонавий

менежмент ва маркетинг усулларини эгаллаган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

**Икки ой мuddатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норкулов) ҳамда Давлат божхона кўмитаси (Азимов) билан биргаликда **уч ой мuddатда** озиқ-овқат саноатида импорт қилинаётган товарлар тури, таснифи, миқдори, нархи ҳамда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналар бўйича доимий янгилашиб борадиган маълумотлар базасини яратсин ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норкулов) ҳамда Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда:

**Уч ой мuddатда** илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, савдо-логистика ҳамда сақлаш марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**2021 йил 1 январга қадар** республика

ликада қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларига мавжуд ички талабни ҳисобга олган ҳолда **2021-2023 йилларга мўлжалланган саноатбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш дастурини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

**2021 йил 1 мартга қадар** мевасабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши ва тасдиқлашини таъминласин;

г) Бош вазир ўринбосари С.Умурзоков қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари бир ой мuddатда худудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича инвестицион лойиҳалар ташаббускорларини аниқласин ва лойиҳаларни ишга тушириш учун доимий амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва “Дунё” аxbорот

агентлиги билан биргаликда оммавий аxbорот воситаларида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4292-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги “Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2492-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 9 сентябрь

(“Халқ сўзи” газетасидан олинди)

## Божхона хабари

### САМАРҚАНД УЗУМЛАРИ ДУНЁ РАСТАЛАРИДА

Бугун ҳукуматимиз томонидан мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, истеъмолчилар талабини етиштириладиган мева-узум маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда бошқа соҳалардаги каби узумчилик ҳам тез суръатлар билан ривожланиб

бозорларида ўз маҳсулотлари билан ўрин эгаллашмоқда.

Масалан, Самарқанд туманидаги “Сам Рин Трейд” кўша корхонаси 2020 йил ҳосилидан четга қиймати 1,1 млн. АҚШ доллари, вази 655 тонна, Жомбой тумани “Тўлақўрғон мевалари” фермер хўжалиги қиймати 0,7 млн. АҚШ доллари, вази 434,5 тонна ҳамда Каттақўрғон тумани “Қоқсой савдо баракаси” МЧЖ қиймати 0,5 млн. АҚШ доллари, вази 289,2 тоннага тенг узум маҳсулотларини экспорт қилишган.

Маълумот тарихида шуни айтиб ўтиш жоизки, бугун вилоятнинг 92 тага яқин корхоналари томонидан узум маҳсулотларини экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Экспорт қилинаётган узумлар

кўламини давлатлар мисолида кўрадиган бўлсак, асосан қиймати 2,8 млн. АҚШ доллари, вази 2 310,5 тоннага тенг Хитой, қиймати 2,2 млн. АҚШ доллари, вази 1 381,8 тоннага тенг Туркия, қиймати 1,5 млн. АҚШ доллари, вази 1 436,2 тоннага тенг Россия, қиймати 1,0 млн. АҚШ доллари, вази 1 283,0 тоннага тенг Қозғистон ва қиймати 0,4 млн. АҚШ доллари, вази 265, тоннага тенг Грузия давлатлари улушига тўғри келиб, бундан ташқари яна 27 давлатнинг савдо расталаридан ўрин олмақда.

Дарҳақиқат, она заминимиз тупроғи олтинга тенг. Бугун қадалган уруғ эртага мўл ҳосил беради. Мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот, полиз экинлари ва узум жаҳон бозорига юқори баҳоланади, шунинг учун уларга харидор кўп. Бу эса ўз мамлакатимизда экспорт салоҳияти янада юксалтиришга ундайди, натижада янги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳалар ишга тушиши тезлашади, иқтисодий барқарорлик таъминланади, аҳоли фаровонлиги ошади.

Ўз ўрнида ҳар бир корхонанинг экспорт операцияларини амалга ошириш жараёнларини қисқа вақт мобайнида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш борасида божхона ходимлари томонидан 24 соат давомида яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда.

**Вилоят божхона бошқармаси  
аxbорот хизмати.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5-февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сон Фармони асосан Мустақиллик йилларида илк мартаба аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади.

Ҳар қандай давлатнинг тарихи – бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш бизга нима беради?

1. Маълум бир санада аҳолининг аниқ сони (ёши ва жинси таркиби, фуқаролиги, миллий таркиби (кенг қамровли), барча аҳоли пунктлари бўйича сони, оилавий аҳволи, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олинади.

2. Аҳоли жон бошига макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда (яъни ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол маҳсулотлари ҳажми, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ишлатилади.

### ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ УЧУН ДАВЛАТ ТИЛИНИ БИЛИШ ШАРТ ЭТИБ БЕЛГИЛАНГАН ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Қонунчилик палатаси томонидан шу йил 18-февралда қабул қилинган, Сенат томонидан 28-февралда маъқулланган ва Президент томонидан 13-март куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонун кучга кирди.

Қонуннинг аввалги таҳриридан жиддий фарқ қилувчи жиҳатларидан бири – Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик масаласидир. Унга кўра: “1992 йил 28 июль ҳолатига кўра Ўзбекистонда доимий яшаган, чет давлат фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистоннинг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахс; \* Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва 1992 йил 28 июлга қадар ўқиш учун Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетган ҳамда узлуксиз равишда таълим олган ёхуд ҳарбий хизматни ўтаган ва ўқиш ёки ҳарбий хизмат тугаганидан кейин бир йил ичида Ўзбекистонга қайтиб келган ҳамда Ўзбекистонда доимий прописакдан ўтган шахс, башарти унинг чет давлат фуқаролиги мавжуд бўлмаса Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади.

Шунингдек, қонунда фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон фуқаролигини тан олишга доир қоидалар белгиланган.

Жумладан, 6-моддага кўра, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон ҳудудида кириб келган ва доимий прописакдан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу қонун кучга киргунга қадар фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси асосида яшаб турган шахс истак билдирган тақдирда Ўзбекистон фуқароси деб тан олинади.

Бундан Ўзбекистон фуқаролиги деб тан олинган бола ҳам юқоридаги асосларга кўра Ўзбекистон фуқароси деб тан олинади.

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?



3. Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

4. Республика ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда аxbорот сифатида фойдаланилади.

5. Статистика идоралари томонидан ташкил этиладиган танлама кузатувларни ташкил этишда маълумотлар базаси сифатида қўлланилади.

6. Миллий барқарор ривожланиш

мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритишда хизмат қилади.

7. Аҳоли пунктларининг инфратузулмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ мuddатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади.

8. Халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар томонидан амалга ошириладиган таҳлиллар учун кенг қамровли аxbоротлар манбаи ҳисобланади.

Бундай маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариши, фан ва жамиятни аxbорот билан таъминлаш учун зарурдир.

**Туман статистика бўлими.**

### САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

- Судланганлик ҳолати, судланганлик мuddати ҳамда уни олиб ташланиши ҳақида маълумот берсаларингиз?

**Ориф Шарипов,  
Бешкал қишлоғи.**

- Судланганлик ҳолати куйидаги ҳолларда тугалланади:

- Шартли ҳукм қилинганларга нисбатан сино мuddати тугаган кундан бошлаб;
- мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарздаги жазоларни ўтаб чиққан;
- жарима жазоси ижро этилган кундан кейин;
- шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тизлатиш ишлари жазолари ўталгандан кейин бир йил ўтгач;
- озодликни чеклаш жазоси ўталгандан кейин икки йил ўтгач;
- беш йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин тўрт йил ўтгач;
- беш йилдан ортик, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин етти йил ўтгач;
- ўн йилдан ортик, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин ўн йил ўтгач.

**Шавкат ҚУРБОНОВ, ҳуқуқшунос.**

Интернетдан олинди.